

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг
Давлат Хариди бўйича комиссиясининг йиғилиш
БАЁННОМАСИ № 43**

Тошкент шаҳри

25.11.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ва университетнинг 2022 йил 27 июндаги № 207-У-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Б.Собиров – Молия-иктисод ишлари бўйича проректор, комиссия раиси
А.Кучкаров – Харидлар бўйича мутахассис, комиссия котиби

Харид комиссияси аъзолари

Х.Ирисметов – Бош Мухандис
Б.Ахмедов – Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими бошлиғи
Н.Палвонов – Бош бухгалтер
М.Турсунова – Бош аудитр
С.Догтоев – Рақамли таълим технологиялари маркази бошлиғи
М.Ўрозов – Бош энергетик

КУН ТАРТИБИ

1. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Давлат Хариди комиссиясининг 2022 йил 22 ноябрдаги Энг яхши таклифларни танлаб олиш №190187-сонли лот рақам бўйича Тошкент давлат педагогика университетининг 3-курс бакалаврият таълим йўналишларида “Олтин фонд” гуруҳларига танлов ўтказиш хизмати бўйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 7-боб 62-моддаси ҳамда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил “25” ноябрдаги № 43-сонли баённомасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

КОМИССИЯ ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Давлат харидларининг “Энг яхши таклифларни танлаб олиш” саҳифасининг электрон тизимида, муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида, иштирокчилар томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 207-У-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия раиси ва комиссия аъзолари “Махорат ва Менежмент” НТТ билан 74.000.000,00 (Етмиш тўрт миллион) сўмга ҚҚС ичида шартнома тузишга қарор қилди.

3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети комиссияси котиби (А.Кучкаров) муҳокама натижалари бўйича харид комиссиясининг тегишли мажлис баённома ва шартномасини имзоланган кундан бошлаб ўн иш куни ичида Давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирсин.

Б.Собиров.
Х.Ирисметов
Н.Палвонов
С.Догтоев
М.Турсунова
М.Ўрозов
Б.Ахмедов



6.

7.

ШАРТНОМА № 029
(Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисида)

Тошкент шаҳри

25 ноябрь, 2022 й.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (бундан буён матнда – Буюртмачи деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи А.К.Киргизбаев бир томондан ва Маҳорат&Менежмент нодавлат таълим ташкилоти (бундан буён матнда – Ижрочи деб юритилади) номидан устав асосида фаолият юритувчи директор Курбанов Худайназар Хамдамович, иккинчи томондан (шартномага имзо чекувчилар биргаликда – Томонлар деб юритилади) ушбу шартномани куйдагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Мазкур шартнома бўйича «Ижрочи» «Буюртмачи»га Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 3-курс бакалавриат таълим йўналишларида “Олтин фонд” гуруҳларига танлов ўтказиш хизматини кўрсатади (кейинги ўринларда «Хизматлар» деб юритилади), «Буюртмачи» эса уларни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2. Ижрочи томонидан Буюртмачига кўрсатиладиган «Хизматлар» бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ва уларнинг муддатлари шартноманинг 1-иловасига, «Хизматлар»ни кўрсатишга доир Регламент 2-иловага асосан белгиланади. Иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Ижрочи шартномада кўзда тутилган ишларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий экспертлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва бошқаларни жалб қилиши мумкин.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Хизматлар»ни мустақил амалга ошириш ва амалга оширган ишлари тўғрисида ахборотни, шу жумладан ОАВ орқали тарқатиш;

- шартномада белгиланган вазифаларни бажаришда маҳаллий ва хорижий экспертлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва бошқаларни жалб қилиш хизматларни ўтказиладиган тадбирларга турли давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари билан таклиф этиш;

- Ижрочи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

5. Ижрочи қуйидаги мажбуриятларга эга:

- «Хизматлар»ни экспертлар томонидан Университет билан келишилган муддат ва шартларда ишончлилик, шаффофлик ва объективлик тамойиллари асосида бажарилишини таъминлаш;

- шартнома муддати ва унда белгиланган шартларга қатъий роя этиш;

- ижрочи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

6. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ижрочи томонидан “Хизматлар”ни бажаришда шартнома ва унинг иловасида белгиланган шартларига роя этилиши талаб қилиш;

- Ижрочидан шартнома иловасида белгиланган муддатларда бажарилган ишлар тўғрисида маълумотларни олиш ва Ижрочидан қўшимча тушунтиришлар олиш;

- кўрсатилган “Хизматлар” натижаларини қабул қилиб олиш;

- Буюртмачи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Буюртмачи куйидаги мажбуриятларга эга:

- Ижрочи сўровига асосан, шартнома доирасида ўтказиладиган тадбирларда ўз вакилларининг ишгиросини таъминлаш;

- «Хизматлар»ни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун Ижрочиға зарур техник, тиббий ва бошқа шароитларни яратиш, бино ва аудиторияларни хавфсизлик талабларига, жумладан, ёнгин хавфсизлиги, шунингдек, санитария-гигиена қоидалари, нормаларига риоя этган ҳолда ажратиш;

- Буюртмачи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

8. Буюртмачи шартнома доирасида кўрсатилган хизматлар учун Ижрочиға барча солиқ ва мажбурий тўловларни инобатга олган ҳолда 74 000 000 (етмиш тўрт миллион) сум 00 тийин. Солиқ ва мажбурий тўловлар Ижрочи томондан бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга солиқ қонунчилиги талабларига мувофиқ тўлаб берилади.

9. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 40 иш куни давомида шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизини бундак суммаси сифатида Ижрочининг ҳисобрақамига ўтказилади.

Шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисми Ижрочи томонидан хизматлар кўрсатилиб, томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб 10 иш куни ичида тўлаб берилади.

IV. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

10. Томонлар шартномани ўзгартириш ва бекор қилишни мазкур шартномада назарда тутилган ҳолларда ва амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириши мумкин.

11. Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилишга қарор қилган томон, бу ҳақда қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда иккинчи томонга ёзма хабар юбориши шарт.

12. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга фақат қонун ҳужжатларига асосан йўл қўйилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

13. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши лозим.

14. Ижрочи шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаган ва/ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ҳар бир кечиккан кун учун Буюртмачиға шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида пеня тўлайди. Лекин жами пеня суммаси шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

15. Буюртмачи шартномада белгиланган мажбуриятларини бажармаган ва/ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ҳар бир кечиккан кун учун Ижрочиға шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида пеня тўлайди. Лекин жами пеня суммаси шартнома баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

16. Неустойка тўлаш томонларни ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш ёки қамчиликларни бартараф қилишдан озод қилмайди.

17. Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

VI. ФОРС - МАЖОР

18. Томонлар мажбуриятларини бажариш пайғида енгиб бўлмас куч таъсирида (форс-мажор) фавқулодда ва батараф этиб бўлмас ҳолат юзага келиши натижасида бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

19. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида Томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор

қилишлари шарт.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

20. Шартномани бажаришда юзага келадиган низолар томонлар ўртасида ўзаро музокара йўли билан бартараф этмасалар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига биноан суд тартибида кўриб чиқилади ва ҳал этилади.

VIII. ШАРТНОМА МУДДАТИ

21. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабрь 2022 й.
22. Шартноманинг муддатидан олдин тўхтатилиши бошқа томонга зарар етказмаслиги лозим.
23. Ушбу шартнома томонлар келишувига мувофиқ ёки бир томоннинг асосли ташаббуси билан унинг ёзма муурожаати орқали муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

IX. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур шартнома Томонлар имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.
25. Шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва ҳар бир нусхаси тенг юридик кучга эга.
26. Шартноманинг биринчи нусхаси Буюртмачида иккинчи нусхаси Ижрочида сақланади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ	ИЖРОЧИ
<p>NIZOMIY NOMIDAGI TDPU TOSHKENT SHAHAR, CHILONZOR TUMANI, BUNYODKOR KO'CHASI, 27-UY, TEL.: (71) 276-79-11; 276-76-51. H/R: 234 020 003 001 0000 1010 XKKM MARKAZIY BANK BOSH BOSHQARMASI MFO: 00014 STIR: 201 354 108 OKONX: 92 110 ShH/R: 400 910 860 262 947 094 100 075 001 MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI STIR: 201 122 919</p>	<p>«Махорат & Менеджмент» НТТ Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шота Руставелли кўчаси, 53Б-уй. Х/р: 20208000900469236001 Банк: Халк банк Миrabод филиали, МФО: 00820 ИНН: 303343385, ОКОНХ: 61010</p>



Мирзогашиев Ш.Б.
Принципал

Директор  Курбанов Х.Х.



Илова 1

25
029 ноябрь 2022 й.даги
-сонли шартномага

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалаврият таълим
йўналишларида “Олтин фонд” гуруҳларига танлов ўтказиш
ТАДБИРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ**

Босқичлар	Чора-тадбирлар	Бажариш саналари ва муддатлари	Масъуллар
I босқич	Комиссияга хужжатларни тақдим этиш	Қабул қилиш – 20 календарь куни давомида	Университет ва Махорат&Менежмент раҳбарияти
II босқич	Дастлабки имтихонни ўтказиш (ёзма)	Университет билан келишилган санада	Махорат&Менежмент экспертлари
	Бошланғич таълим	5 кунгача	Махорат&Менежмент экспертлари
	Математика/информатика	3 кунгача	
	Биология	3 кунгача	
	Умумий психология	2 кунгача	
III босқич	Дастлабки имтихон натижаларини эълон қилиш	Дастлабки имтихон ўтгандан кейин 2 кун давомида (4 та эксперт баҳолаш натижаларини умумлаштиради)	Махорат&Менежмент экспертлари
IV босқич	Касбий соҳа бўйича имтихон ўтказиш (суҳбат)	Университет билан келишилган санада	Университет ва Махорат&Менежмент раҳбарияти
	Бошланғич таълим	3 кунгача	Махорат&Менежмент экспертлари
	Математика/информатика	2 кунгача	
	Биология	2 кунгача	
	Умумий психология	2 кунгача	
V босқич	Касбий соҳа бўйича имтихон ва якуний натижаларини эълон қилиш	3-босқич имтихони ўтгандан кейин 2 кун давомида (4 та эксперт баҳолаш натижаларини умумлаштиради)	Университет ва Махорат&Менежмент раҳбарияти



**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети бакалаврият таълим
йўналишларида “Олтин фонд” гуруҳларига танлов ўтказиш**

РЕГЛАМЕНТИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Регламент Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (кейинги ўринларда – Университет) бакалаврият таълим йўналишларида “Олтин фонд” гуруҳларига танлов ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2. “Олтин фонд” гуруҳларига танлов Университетнинг 3-курс талабалари кундузги бўлим талабалари ўртасида “Маҳорат & Менежмент” нодавлат таълим ташкилоти томонидан белгиланган меъзонлар ва қоидалар асосида ўтказилади.

1.3. Танловнинг мақсади – танловда иштирок этаётган талабалар орасидан педагогика соҳасида иқтидорли ва истеъдодли бўлажак кадрлар базасини шакллантириш учун узлари танланган йўналишлар (предметлар) бўйича ўз қобилиятларини намоён эта оладиган ёшларни танлаш ва Университетга тавсия этишдан иборат.

1.4. Таълим йўналишлари бўйича “Олтин фонд” гуруҳлари сони ва гуруҳлардаги квота миқдори университет Махсус комиссияси қарори билан белгиланади ва “Маҳорат & Менежмент” нодавлат таълим ташкилотига тақдим этилади.

1.5. Танлов Маҳорат & Менежмент ташкилоти экспертлари томонидан Университет билан келишилган муддат ва шартларда ишончлилик, шаффофлик ва объективлик тамойиллари асосида ўтказилади.

1.6. Танлов жараёнида ҳужжатлар билан ишлаш, номзодларни дастлабки саралаш, уларни имтиҳон қилиш, суҳбат ўтказиш ва баҳолаш жараёнлари шаффофлигини таъминлаш мақсадида Университет томонидан “Маҳорат & Менежмент” экспертлари сўровига кура, овоз ёзини функциясига эга камера ўрнатилган хоналар (зарур жиҳозлари билан) ажратади.

1.7. Университет танлов жараёни учун зарур техник, тиббий ва бошқа шароитларни яратган ҳолда, бино ва аудиториялар хавфсизлик талаблари, жумладан, ёнгин хавфсизлиги, шунингдек, санитария-гигиена қоидалари, нормалари ва нормативларига тўлиқ жавоб беришини таъминлайди.

2. Танловга ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш

2.1. Танловда Университет белгиланган йўналишлардаги бакалаврият 3-босқич кундузги бўлим талабалари иштирок этишлари мумкин. Танловга номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш

Университет ва Махорат&Менежмент рахбарияти томонидан келишилган муддат давомида қабул қилилади.

2.2. Танлов жараёнида университет белгилаган йўналишдаги 3-босқич кундузги бўлим талабаларини шахсан иштирокини таъминлаш, шунингдек ёзма имтиҳон ва суҳбат ўтказиладиган аудиторияга қоғоз ёки электрон манбадаги ўқув адабиёти, луғатлар, маълумотномалар, жадваллар ва бошқа адабиётни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, конспектлар, ёзув дафтарлари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпиргалкалар, алоқа воситалари (жумладан, мобиль алоқа воситаси), аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кирмасликлари ҳамда улардан фойдаланмасликларини таъминлаш университет Махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

2.3. Танловда иштирок этиш учун номзодлар қуйидаги ҳужжатларни Университетнинг Махсус комиссиясига онлайн платформа орқали тақдим этадилар:

- ректор номига ариза (анкета шаклида);
- фуқаролик паспорти (ёки ID-карта) нусхаси;
- мотивацион хат.

2.4. Махсус комиссияга қабул қилинган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда “Махорат & Менежмент” подавлат таълим ташкилоти вакилига топширилади ва бу ҳақида далолатнома расмийлаштирилиб, уни томонларнинг камида 2 нафардан вакиллари имзолайдилар.

2.5. Номзодлар тақдим этилган ҳужжатларни қайтариб олиш тўғрисида Махсус комиссияга ариза бериш, шунингдек, дастлабки имтиҳон натижаларига кўра кейинги босқичга ўтмаган бўлишса, ҳужжатларини танлов жараёнлари тугагандан кейин, қайтариб олишлари мумкин.

2.6. Танловга келиб тушган ҳужжатлар “Махорат & Менежмент” экспертлари томонидан кўриб чиқилади. Кўриб чиқилган ва қайта ишлашдан ўтган ҳужжатлар, танлов натижалари эълон қилингандан кейин Университетга қайтарилади.

2.7. Университет Махсус комиссияси қарори билан саралаш ва имтиҳон ўтказиш жараёнларини, ушбу жараёнда қатнашувчиларга ҳалақат қилмасдан, кузатиб бориш имконияти яратилиши мумкин.

3. Танловни ташкил этиш

3.1. Танловни ўтказиш жадвали университет Махсус комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва дастлабки (саралаш) босқич бошланишидан камида 5 кун аввал университетнинг расмий веб-сайтида ва эълонлар доскасида жойлаштирилади.

3.2. “Олтин фонд” гуруҳига танлов номзод талабалар учун тенг ҳуқуқлилиқ, ошкоралиқ, ягона қабул коидалари асосида ўтказилади. Номзодларни “Олтин фонд” гуруҳига киритиш учун саралаш 3 босқичда амалга оширилади:

- 1-босқич. Анкеталарни саралаш ва номзоднинг мотивацион хатини баҳолаш;
- 2-босқич. Касбий соҳа бўйича дастлабки имтиҳон (ёзма);
- 3-босқич. Касбий соҳа бўйича якуний имтиҳон (суҳбат шаклида).

3.3. **1-босқич.** Анкеталарни саралаш ва номзоднинг мотивацион хатини баҳолаш “Махорат & Менежмент” экспертлари томонидан “балл” бериш йўли билан қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширилади:

№	Меъзонлар	Баҳо
---	-----------	------

1)	Ариза (анкета), паспорт (ID) ва мотивация хати мавжуд, белгиланган формада шакллантириб, Махсус комиссия белгилаган муддатда топширилган (<i>шу талабларни ҳеч бўлмаса биттаси бажарилмаган бўлса ҳам, "Йўқ" ҳисобланади</i>)	Ҳа – 1 балл, йўқ – 0 балл
2)	Мотивация хати тугалланган мазмунга эга, номзод мақсадини аниқ ва тушунарли ифода қила олган	Ҳа – 4 балл, йўқ – 0 балл
3)	Мотивация хати тугалланганмаган, лекин номзод мақсадини аниқ ва тушунарли ифода қила олган	Ҳа – 2 балл, йўқ – 0 балл
4)	Мотивация хати тугалланган, лекин номзод мақсадини аниқ ва тушунарли ифода қила олмаган	Ҳа – 1 балл, йўқ – 0 балл
5)	Мотивация хати мавжуд, лекин тугалланмаган, номзод мақсадини аниқ ва тушунарли ифода қила олмаган	Ҳа – 0,5 балл

3.4. 1-босқич натижаларига кўра талабаларни таъловнинг кейинги босқичига ўтказиши ёки ўтказишни рад этиш тўғрисидаги тегишли қарори “Маҳорат & Менежмент” экспертлар гуруҳи томонидан 48 соат давомида қабул қилинади ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилади. Баённома нусхаси Университет Махсус комиссиясига эълон қилиш учун топширилади.

3.5. 1-босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар кейинги босқичга қўйилади ва касбий имтиҳон (ёзма, соҳа мутахассислари билан суҳбат) топширишга таклиф этилади.

3.6. 2-босқич. Касбий соҳа бўйича дастлабки имтиҳон “ёзма” шаклда ўтказилади. “ёзма” имтиҳон касбий соҳа бўйича гуруҳлар сонидан келиб чиқиб, 2-5 кун давомида ўтказилиши мумкин.

3.7. Ёзма имтиҳонда ҳар бир номзодга ўзи танлаган касб (фан) бўйича 1 (бир) та топширик берилиб, шуни “Маҳорат & Менежмент” эксперти томонидан белгиланган вақт давомида (одатда 1 соатдан ошмайдиган муддат белгиланади) бажариш сўралади. Белгиланган муддат тугаши билан жавоблар йиғиб олинади.

3.8. Ёзма имтиҳонга кириш, имтиҳон давомида ва/ёки видеокузатувлар орқали аниқланган қоидабузарликлар бўйича далолатнома тузилади ва талабгор имтиҳондан четлаштирилади ҳамда унга ушбу имтиҳон бўйича балл берилмайди.

3.9. Номзод ёзма имтиҳон ўтказилаётган вақтида аудиториядан чиқиши тақиқланади, саломатлиги ёмонлашганда масъул шахс ҳамроҳлигида чиқиши бундан мустасно. Бунда ёзма имтиҳон материаллари экспертларга топширилиши шарт.

3.10. 2-босқичдаги касбий соҳа бўйича “ёзма” имтиҳон натижаларини баҳолаш “Маҳорат & Менежмент” экспертлари томонидан “балл” бериш йўли билан қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширилади:

№	Меъзонлар	Баҳо
1)	Топширик ечими мавжуд, тўғри ва эксперт белгилаган муддатда топширилган	5 балл
2)	Топширик ечими мавжуд ва тўғри, лекин эксперт белгилаган муддатдан кечиктириб топширилган (<i>белгиланган муддатдан 5 минутгача кечиктириб топширилган бўлса – “Ҳа”, 5 минутдан кечиктириб топширилган бўлса “Йўқ” ҳисобланади</i>)	Ҳа – 4 балл, йўқ – 0 балл
3)	Топширик ечими мавжуд, эксперт белгилаган муддатда топширилган, ечими қисман тўғри	Ҳа – 2,5 балл, йўқ – 0 балл
4)	Топширик ечими мавжуд, эксперт белгилаган муддатда топширилган, лекин ечими нотўғри	1 балл

5)	Топширик ечими йўқ, лекин эксперт белгилаган муддатда топширилган	0,1 балл
6)	Топширик ечими йўқ, эксперт белгилаган муддатда топширилмаган	0 балл

3.11. 2-босқич натижаларига кўра талабаларни танловнинг кейинги босқичига ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисидаги тегишли қарори имтихон якунланган санадан бошлаб, 48 соат давомида “Маҳорат & Менежмент” экспертлар гуруҳи томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилади. Баённома нусхаси Университет Махсус комиссиясига эълон қилини учун топширилади.

3.12. 2-босқичдан муваффақиятли ўтган номзодлар кейинги босқичга қўйилади ва касбий имтихон (соҳа мутахассислари билан суҳбат) топширишга таклиф этилади.

3.13. **3-босқич.** Касбий соҳа бўйича якуний имтихон “Суҳбат” шаклда ўтказилади. Ушбу босқичга таклиф этилган номзодлар билан “Суҳбат” соҳа бўйича гуруҳлар сонидан келиб чиқиб, 2-3 кун давомида ўтказилиши мумкин.

3.14. “Суҳбат” шаклидаги имтихонда ҳар бир номзодга ўзи танлаган касб (фан), мантиқий ва/ёки мустақил фикрлаш ва/ёки маънавий соҳаси ва чет тилидан 1 тадан савол берилиб, 3 нафар баҳоловчи (“Маҳорат & Менежмент” экспертлари) томонидан баҳоланади. Суҳбатнинг давомийлик вақти экспертлар томонидан мустақил белгиланади, лекин 1 номзод учун ажратилган вақт 10 минутдан ошиб кетмаслиги керак.

3.15. 3-босқичда “Суҳбат” шаклидаги имтихон натижаларини баҳолаш “Маҳорат & Менежмент” экспертлари томонидан “балл” бериш йўли билан қуйидаги меъзонлар асосида амалга оширилади:

№	Меъзонлар	Баҳо
1)	Барча саволларга тўлиқ ва тўғри жавоб берилган	6 балл
2)	Номзоднинг суҳбат ўтказилаётган бирор йўналишда халқаро ва/ёки республика олимпиадалари 1,2,3 ўрин соврипорлари, чет тили сертификати (<i>Ҳар бир йўналишдаги сертификат учун 2 баллдан. Буни, чет тили сертификати CEFR B2 (ёки эквиваленти) ва ундан юқори бўлса</i>)	6 баллгачи
3)	Номзод 2 та саволга тўлиқ ва 1 тасига қисман жавоб берган	5 балл
4)	Номзод 1 та саволга тўлиқ ва 2 тасига қисман жавоб берган	4 балл
5)	Номзод 3 та саволга ҳам қисман жавоб берган	3 балл
6)	Номзод 2 та саволга қисман жавоб берган, 1 тасига жавоб йўқ	2 балл
7)	Номзод 1 та саволга қисман жавоб берган, 2 тасига жавоб йўқ	1 балл
8)	Номзод бирорта саволга жавоб бермаган	0 балл

3.16. 3-босқич натижалари ва танлов якунлари бўйича умумий қарор мазкур босқич имтихони якунланган санадан бошлаб, 48 соат давомида “Маҳорат & Менежмент” экспертлар гуруҳи томонидан қабул қилинади ва бу ҳақда баённома расмийлаштирилади. Баённома нусхаси Университет Махсус комиссиясига эълон қилиш учун топширилади.

3.17. Танлов натижалари, университет Махсус комиссияси томонидан “Маҳорат & Менежмент” экспертлари баённомаси олинган куннинг кейинги кунидан кечиктирмасдан университетнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

3.18. Номзодларни “Олгин фонд” гуруҳига қабул чегарасида имтихон натижалари бир хил бўлган ҳолда уларнинг ўқув жараёнида олган GPA қийматини ҳисобга олган ҳолда саралаш амалга оширилади.

4. Апелляция

4.1. Танлов натижаларидан порози бўлган номзодлар, умумий натижалар (танловнинг 1,2 боскичлари якунлари бўйича эмас) эълон килингандан кундан бошлаб 48 соат давомида университет Махсус комиссиясига ариза билан мурожаат килишлари мумкин.

4.2. Апелляцияга келиб тушган ёзма мурожаатларга, аризалар келиб тушган кундан бошлаб 24 соат давомида ёзма жавоб берилиши таъминланади. Университет Махсус комиссияси қотибнати апелляция мурожаатига “Маҳорат & Менежмент” эксперт(лар)ининг асосли хулосасини илова қилиб, жавоб юборади.

5. Якуний қондалар

5.1. Танлов имтиҳонлари саволлари, уларни баҳолаш меъзонлари ҳамда баҳолашни тўғрилиги, объективлиги учун масъулият тўлиқлигича “Маҳорат & Менежмент” экспертларининг зиммасида бўлади.

5.2. Танлов жараёнида имтиҳонлар(ёзма ва суҳбат)ни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

5.2. Танловнинг барча боскичлари Университет Махсус комиссияси вакили томонидан видео ва/ёки аудио воситалар ёрдамида ёзиб олинади ҳамда олти ой муддат сақланади.

